



2018 у.г. "24" июль

№ 1724 -К

Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

**“Навий кон металлургия комбинати” Давлат корхонаси  
“1-сон ГМЗ” кон бошқармасига туман худудида таркибида олтин  
сақловчи маъдан қазиб олиш учун ер ажратиш тўғрисида.**

НКМК “1-сон ГМЗ” кон бошқармасининг, давлат режаси асосида туман худудида таркибида олтин сақловчи маъдан қазиб олиш учун ер ажратиш тўғрисидаги буюртмасига асосан, Пахтачи туман ҳокимининг 2005 йил 1 июлдаги №68-Ф рақамли, туманда қурилиш ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер майдони танлаш ва уни тасдиқлаш ҳақида”ги фармойишга асосан тўзилган ишчи комиссиясининг 2018 йил 28 июндаги НКМК “1-сон ГМЗ” кон бошқармасига таркибида олтин сақловчи маъдан қазиб олиш учун ер ажратиш ҳақидаги далолатномасида ва унга илова 1:10000 масштабдаги қишлоқ хўжалиги харитасида белгиланган жойларни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Саноатгеоконтехназорат” инспекциясининг 2018 йил 16 мартдаги № 1607-03/09-0538-АЮ сонли кон ажратиш далолатномасини, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 24 майдаги №03-01/13-08-1080 сонли давлат экологик экспертизаси хулосасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 37, 46,87 моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ишчи комиссиясининг 2018 йил 28 июндаги НКМК “1-сон ГМЗ” кон бошқармасига таркибида олтин сақловчи мадан қазиб олиш учун ер ажратиш ҳақидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Давлат эҳтиёжи учун тумандаги “Султон яратган чорва” фермер хўжалигидан 1,3 га; “Алибек Султонобод чораваси” фермер хўжалигидан 2,0 га; “Лола чорва даласи” фермер хўжалигидан 1,4 га; туман ҳокимлиги ер захирасидан 3,3 га кон йўли учун, “Лола чорва даласи” фермер хўжалигидан 20,0 га маъдансиз тоғ жинслари тўплаш жойи учун, “Олтин туёқ” фермер хўжалигидан 9,0 га ва “Узун кудук даласи” фермер хўжалигидан 7,0 га кон (Северный карьер) учун олиб қўйилсин.

3. Ер участкаларини бир қисми қайтариб олинаётган фермер хўжаликлари билан тўзилган узоқ муддатли ижара шартномалари (А.Қохоров) қайта расмийлаштирилсин.

4. НКМК "1-сон ГМЗ" кон бошқармасига таркибида олтин сақловчи маъдан қазиб олиш учун яйлов ерлардан 44,0 га ер ўзоқ муддатли (10 йилга) вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.


5. Ер ажратилаётган жойлардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликрини ўрнини қоплаш қиймати 12 935 690 сўмни Самарқанд вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ер олувчи НКМК (1-сон ГМЗ" кон бошқармаси) томонидан тўлаб берилиши белгилаб қуйилсин.

6. Ушбу қарор тасдиғи вилоят ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Эшдавлатов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

В.Рахимов

A large, stylized handwritten signature in black ink, appearing to read 'V. Rakhimov', is written over a horizontal line. The signature is highly cursive and occupies the central lower portion of the page.